



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
17 февраль
ШАНБА
№ 14
(11.921)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нарҳда сотилади



БАРЧАСИ ФАРЗАНДЛАР УЧУН

Бугунги кунда давлатимиз томонидан баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани мактабга таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

Жумладан, Янгийўл шаҳридаги 13-мактабга таълим муассасасида бу борада талай ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир бу ерда 289 жажжи болакай дастлабки таянч билимларини

олмоқда. 12 тарбиячи, мусика ва жисмоний тарбия устозлари, болалар психологи, логопед болакайлар вақти сермазмун ўтиши учун бутун маҳоратларини ишга солишмоқда.

— Бу йил тарбияланувчиларимиз учун бадиий гимнастика тўғрисида ошч ниятидаимиз, — дейди боғча мудираси Нигора Болтабоева.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотининг ҳар икки ярим йилда бир марта ўтказиладиган навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

«КАМАЛАК» — БОЛАЛАР УЧУН ИБРАТЛИ МАКТАБ

Конференцияда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари «Камалак» болалар ташкилотлари конференцияларида сайланган 225 нафар делегат иштирок этди. Шунингдек, конференция ишида Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, вилоят ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, вилоят прокуратурасининг воёга етмаганлар билан ишлаш бўлими, ҳамкор ташкилотлар, муассасалар, жамоат бирлашмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари катнашдилар.

Анжуман катнашчилари «Камалак» болалар ташкилоти вилоят бўлими раёсатининг ўтган даврдаги фаолияти ва амалга оширилиши лозим бўлган навбатдаги вазифалар, ташкилот Низомига қўшимча ва ўзгартишлар киритиши, ташкилот раҳбар органларини сайлаш тўғрисидаги масалаларни муҳокама этдилар.

Конференцияда таъкидландики, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотининг ташкил эти-

лиши республика ёшлари қатори вилоятимиз болаларини эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириб, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни тиклаш, энг муҳими, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда ибратли мактаб вазифини ўтамоқда. Бугунги кунда «Камалак» болалар ташкилоти ёшларни Ватан равнақи йўлида ҳаракат қилишга ундовчи, ўз истеъдодларини тўла намоян этишларига қўмақлашувчи ташкилот сифатида танилмоқда.

Конференция иштирокчилари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент тумани кенгаши раиси лавозимида ишлаб келган Иброҳим Холматовни «Камалак» болалар ташкилоти вилоят бўлими раиси этиб сайладилар.

Шунингдек, анжуманда республика «Камалак» болалар ташкилотининг навбатдаги конференциясига делегатлар сайланди.

СУРАТДА:

тадбирдан лавҳа.



САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Германия Федератив Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари кооперацион биржа ўтказди.

Унда Ўзбекистоннинг олти компанияси ва Германиянинг Deutsche Bahn AG, Taktraf GmbH, Siemens AG, Landsbank Berlin AG синга-

ри йигирмага яқин йирик компания ва корхоналар олиб бордилар. Шунингдек, Олмалик кон-металлургия комбинати мутасаддилари билан ҳам самарали музокаралар ўтказилди.

У.а.

ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Пойтахтдаги В. Воҳидов номидаги Республика иктисодлаштирилган хирургия илмий марказида италиялик мутахассислар томонидан кардиохирургик операциялар амалга оширилди. Бир ҳафта давомида Италиянинг етакчи шифокорлари Ўзбекистонлик ҳамкорлари билан ўзаро таъриба алмашишди.

Италиянинг бирлашган Бергам касалхонаси орақ жарроҳлиги бўлими 40 йиллик тажрибага эга бўлиб, ўтган давр мобайнида шифохонада 25 мингдан ортиқ операциялар муваффақиятли амалга оширилган. Мана шу нуфузли шифохонанинг етти нафар етук мутахассислари етти кун давомида Ўзбекистонлик касбдошлари билан ҳамкорликда ўндан зиёд мураккаб жарроҳлик операцияларини амалга оширишди.

Алоуддин ҒАФФОРОВ, «Туркистон-пресс».

Қарор ижроси

АЁЛ ВА СПОРТ

Республика хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамият ва давлат қурилишидаги ролини кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлардан бири аёллар орасида спорт ва соғломлашти-

риш ишларига алоҳида эътибор берилганлигидир. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлигида Чирчиқ шаҳрида ўтказилган «Аёл ва спорт» йўналиши бўйича ўқув-машғулот иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарорида белгиланган вазифалар ижроси учун ҳозирги кунда ҳар бир фаол ўзини масъул, дахлдор деб ҳис этаётганиги бежиз эмас.

Оилада маънавий ва жисмоний баркамол авлоднинг тарбиялаш, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни яратиш кўп жиҳатдан хотин-қизларга боғлиқ. Шу маънода таянч таш-

килот ҳисобланган Чирчиқ шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг фаолияти алоҳида таъсирга эга бўлди.

Вилоятнинг бу йирик санаот шаҳри аҳоли жиҳатидан ҳам энг олдинда туради. 140 минг аҳолиси, 44 та маҳалла, 8 та касб-ҳунар коллежи, 26 та умумтаълим мактаби, 38 та мактабга таълим муассасасига эга шаҳарда олиб борилаётган кўламли ишларда хотин-қизлар қўмитасининг алоҳида ўрни бор.

Шуни таъкидлаш керакки, оммавий ва профессионал спорт соҳаларини ривожлантириш бўйича барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган Чирчиқ шаҳрида хотин-қизларни оммавий машғулот ва мусобақаларга жалб этиш ишлари ибрат олса арзигulik. Спорт мажмуалари ва меҳнат жамоаларидаги 175 та спорт секциялари, 25 та соғломлаштириш гуруҳлари машғулотларида 36 минг 113 нафар аёл катнашаётди. Хотин-қизлар иштирокида ўтаётган «Соғлом оила», «Отам, онам ва мен», «Сув маликаси», «Биз — кучли

оилаларимиз», «Ким эпчилу ким қаққон», «Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамиз» каби мусобақалар, Республика Гимнастрада фестивали, вилоят аёллар спартакиадаси, вилоят бадиий гимнастикачилар фестиваллари спортга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги, бу эса ўз навбатида оилалар, маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида соғлом маънавий муҳит барпо этилаётганини кўрсатади.

(Давоми 2-бетда).

ИШБИЛАРМОНЛИК РИШТАЛАРИ

Чирчиқ шаҳрининг иктисодий имкониятлари билан танишиш мақсадида Жанубий Кореядан бир гуруҳ ишбилармон доиралар вакиллари таъриф буюришди. «Бурсел-Тошкент текстиль» ҳамда «Бриз» қўшма корхоналарида бўлган меҳмонлар шаҳарда замонавий соғломлаштириш сихатгоҳини бунёд этишни режалаштирмоқдалар. Ибодилла МҮМИНОВ.

«БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР!»

Чирчиқ шаҳар ижтимоий-иктисодий коллежида «Балли, йигитлар!» кўрик-танлови ўтказилди. Унда ҳужалик ҳуқуқи йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар иштирок этишди. Беш шарт бўйича ўз билан саълоҳиятларини намойиш этган 3-курс талабалари ғолиб чиқди.

Мақсуда САНАЕВА.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Чирчиқ олий танк кўмондонлиги билим юртида офицерлар билан бу ерда ўқиш истагида бўлган ёшлар учрашуви бўлиб ўтди. Бўстонлик ва Қибрай туманларидан келган ёшлар билим юртига кириш шартлари ҳамда курсантлар ҳаёти билан ақиндан танишишди.

Олим ЭЛЁРОВ.

ИЖТимоий ҲИМОЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ролини кучайтиришга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда Президентимиз Исом Каримовнинг шу йил 23 январда қабул қилган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори ва унда 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кўламини янада кенгайтириш, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган бир қатор устувор вазифалар белгилангани таъкидланди. Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ушбу соҳадаги ишларни изчил амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда маҳаллаларда фаолият юритаётган қўллаб-қувватловчи ташкилотлар, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли, айниқса, беқиёс экани қайд этилди. Юртимизда амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самардорлигини ошириш эътиборидан келиб чиқиб, ўз навбатида, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб бўғини бўлган маҳалланинг бугунги кундаги ролини ошириш, бунинг учун унинг қонуний асосдаги ваколатларидан янада самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

У.а.

Анжуман ШОИР ЁДИ

Пскент тумани ҳокимлигида иқтидорли шоҳ, маҳоратли саркарда, буюк шоир Заҳриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 524 йиллигига бағишлаб «Авлодлар ёди» мавзусида адабий-бадиий анжуман ўтказилди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими, вилоят «Олтин мерос» жамғармаси ҳамда Пскент тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган анжуманга мутахассис олимлар, халқ таълими тизими фахрийлари, тегишли ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари таъриф этилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар буюк аждодимизнинг жаҳон тарихидаги салмоқли ўрни, иқтидорли давлат арбоби, тадбиркор саркарда сифатидаги салоҳияти, шунингдек, авлодларга қолдирган бой адабий меросига юксак баҳо бердилар. Бобурнинг қадами этган Пскент воҳасидаги тарихий жойлар ёдга олинди.

Туман бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари ижросидаги мумтоз куй ҳамда буюк шоир шеърларига бастананга қўшиқлар анжуманга хуш кайфият бағишладди.

Самад ЙҮЛДОШ.

Семинар

«Ташаббус — 2007»

Зулфия номигаги Давлат мукофотига номзодлар ҚАЛБИМ СЕНГА ТАЛПИНАР, ВАТАН!

ЭНГ МУНОСИБЛАР САРАЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий «Ташаббус — 2007» кўрик-танлови Олмалик шаҳрида ўзига хос кўтаринки кайфиятда ўтди. Танловда қатнашиш

ҳуқуқини қўлга киритган тадбиркорлик субъектлари, кичик бизнес соҳиблари, хунармандлар «Энг яхши тадбиркор» ҳамда «Энг яхши хунарманд» номи олиш учун баҳсга киришдилар.



Шунингдек, шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан «Энг билимдон талаба-тадбиркор» номинацияси ҳам таъсис этилди. Унда шаҳардаги касб-хунар коллежларида таълим олаётган ўқувчи-ёшлар ўзлари ясаган маҳсулотлар билан иштирок этишди. Илк бор ташкил этилган ушбу номинацияда кон-металлургия касб-хунар коллежи талабаси Зиёда Рустомова, уй-жой қурилиш-коммунал коллежидан Баходир Абдувоҳидов ҳамда тиббиёт коллежи номидан қатнашган Оқила Ҳайдарова ғолибликка эришди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар, улар «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг вилоят босқичида шаҳар шаънини химоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Даврон АХМАД олган суратлар.

Хали гўдаклигидаёқ мустақиллик шабадаси вужудини эркалаб, аллагаган қизалоқнинг илк каломи Ватан, Она, Тинчлик сўзидан бошланган бўлса не ажаб? Эътибор беринг, 12 ёшли Шаҳноза озод Ватанига меҳрини армуғон этмоқда:



И. Козлов каби шоирлар ижодидан чиройли таржималар ҳам қилади. Эътиборли томони шундаки, бу таржималар бетакорлиги, ўзига хос оҳангдорлиги билан ажралиб туради.

Иван Буниндан: Штора в окне, за ней, Солнце вселенной моей Дардларда ортда боши.

Мен яратган олам қуёши. Эки Кирилл Ковалжидан: За спиную темень коридора

Небо звёздное над головой. Зулмат йўлак ортимад хайрон, Бошим узра юлдузли осмон.

Александр Блокдан: Тубсиз кўзинг кўк уммонига Шўнгиб, сингиб кетай қонингга.

Ҳақиқатан ҳам, сермано ўзига хос, бетакор сатрлар, шундай эмасми?! Ҳа, ёшгина қизалоқнинг қобилиятига тан қиламанки илож йўқ, Зеро, Шаҳноза нафақат таржима қилади, балки рус тилида шёърлар ҳам ёзиб туради. Унинг ўзи каби бегубор, обдин тилакларини мўл. Келажақда у яхшигина ҳамшира, моҳир пазанда ва билимдон ҳуқуқшунос бўлиши ҳам дилига тугиб қўйган. Халқимизнинг Шаҳнозага ўхшаган зукко, иқтидорли қизлари, ёшлари кўп. Биз Зулфия номигаги Давлат мукофотига номзодлар танлови орқали кашф этилаётган ҳақиқий иқтидор эгалари, ҳар томонлама етуқ, баркамол қизларимиз сафи янада кенгайса ва улар она Ватан — Мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшаверади, дия эшон билан айта оламиз. Танловнинг вилоят босқичи ғолибларидан бўлган Шаҳнозага хос асосан Республика босқичида ҳам муносиб ўрин олишига тилақдошимиз.

С. ЭШМАТОВА.

Жойларда жамиятимизнинг истиқболли мулкдорлари — фермерлар учун уюштирилган ўқув-машгулотлар давом этмоқда. Уларда ер эгаларига яратилаётган шарт-шароит, имтиёзлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари, заминдорлар олдига турган муаммоларнинг ечимлари ҳусусида соҳанинг етакчи мутахассислари, олий ўқув ва илмий тадқиқот муассасалари олимлари қизикarli маърузалар билан қатнашмоқдалар.

ФЕРМЕРЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ

Ана шундай машгулотлар Тошкент туманидаги А. Абдураҳмонов номи касб-хунар коллежида ҳам ташкил этилди. Беш кун давом этган семинарда ҳудуд заминдорлари иштирок этиб, фаолиятларида қўл келадиган бир қатор маълумотлар, тармоқ янгиликларидан хабардор бўлдилар. Ҳусусан, агрохизматни ташкил этиш, бизнес режани амалда ошириш, маҳсулотлар харид қилувчи ва қайта ишловчи корхоналар билан шартномалар тузишнинг ҳуқуқий тамойиллари, солиқ ва кредит сибасати, маркетинг хизмати каби иқтисодий йўналишларда малака оширилди. Шунингдек, ҳудуд фермерларининг асосий йўналишлари — ғаллачилик билан бир қаторда мева-сабзавотчилик, узумчилик, картошқачилик ва айни вақтда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан аниқ таклиф ва шартномалар ўртага ташланди. Машгулотлар давомида ҳар бир мулкдор ўз нуктаи назари, қийнаётган муаммолари билан ўртоқлашгани ва уларга биргаликда ечим излангани айниқса, самарали бўлди.

Семинарда 4 гуруҳ бўйича қатнашган 700 га яқин фермерга махсус сертификатлар топширилди.

Энг кўп балл тўплаган «Тош-кватранссервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Мирзаакбаров тадбиркорлик йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллади.

— Бизнинг корхона ўз фаолиятини 2006 йилда бошлаган, — дейди Б. Мирзаакбаров. — Қисқа муддат ичида конвейер роликлари, ролик таянчлари, турли хил гайка ва болтларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олдик. Маҳсулотларимизнинг асосий иккюзлари Навоий, Зарафшон, Бекобод, Оҳангарон шаҳарларидаги йирик саноат корхоналаридир. Улар учун бир йиллик кафолат муддати ҳам берилди. Қувонарлиси, шу кунгача маҳсулотларимизнинг сифати бўйича ҳеч қандай эътирозлар тушмади.

Айни пайтда корхона «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик ҳиссадорлик жамияти учун 1,5 миллиард сўмлик турли уландидаги роллик ва улар учун таянчлар ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда.

Бу йўналишда иккинчи ва учинчи ўринларга «Мебелчи» кооперативи раҳбари Нико-



лай Ясиновский ҳамда «Курама-Восток» хусусий корхонаси раҳбари Алишер Эргашов лойиқ деб топилди.

«Энг яхши хунарманд» йўналиши бўйича беллашулар ҳам жуда қизгин ўтди. У нафақат иштирокчиларда, балки ташриф буюрган ме-

монларда ҳам катта таассурот қолдирди. Айтиш мумкинки, бу йўналишда янги номлар бўлган эди. Хунарманд Нодиржон Аҳмедовга ҳеч қандай тенг кела олмади. У ясаган миллий ёғочсозлик маҳсулотлари дизайни, сифати, бежиримлиги билан ажралиб турарди. Тадбир қатнашчилар-

ри ушбу маҳсулотларни катта хайрат билан қузатишди. «ОКМК» жамияти автомобил транспорти бошқармасининг рассоми Қарамон Рискуловнинг тасвирий санъат асарлари ҳамда Саид-Пошшо Низоовнинг каштафил фаолияти юқори баҳоланди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар бўйича фаолият олиб бораётган жамоат ташкилотлари ўртасидаги учинчи грант-танлови ғолиблари аниқланди.

АҲАМИЯТГА МОЛИК ЛОЙИҲАЛАР

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан жамоат ташкилотларининг фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган бир қатор танловлар муваффақиятли ўтказилди. Кичик грантларга асосланган бу галги танловнинг мақсади ижтимоий масалаларни ҳал этишда давлат, жамоат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари ўртасидаги ҳамкорликдаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, фермер ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, касбга ўқитиш, янги

иш ўринларини барпо этиш ва аҳолини иш билан таъминлашдан иборатдир.

Танловда юртимизда фаолият кўрсатаётган етмишдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилот ўз лойиҳаси билан иштирок этди. Улардан хотин-қизлар ва ёшлар муаммолари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий масалаларга йўналтирилган, умумий қиймати 110 миллион сўмга тенг энг яхши йигирма учта лойиҳа танлов ғолиби деб топилди. Ғолибларга сертификатлар топширилди.

У.А. (Давоми. Боши 1-бетда).

Қарор ижроси АЁЛ ВА СПОРТ

Шаҳарда ташкил этилган «Аёл ва спорт» уюшмаси томонидан хотин-қизларни оммавий спортга жалб этишнинг аниқ ва мақсадли йўналишлари кўргазмали тарзда намойиш этилди. Айниқса, мактабга таълим муассасаларида тарбияланувчиларни соғломлаштириш ва спортга бўлган қизиқишини оширишнинг турли-туман усуллари 8-босча мисолида кўрсатилгани йилгиларга жуда маъқул бўлди. Махалла мактаб ва оилаларда спортга жалб этиш борасидаги ишларни 16-умумтаълим мактабида ташкил этилган турли оилавий спорт тўғрақларида қатнашаётган аёллар билан суҳбатлашган асосида кузатиб, хотин-қизларнинг иқтидори, ғайрат-шижоатига ғувоҳ бўлдик.

— Менинг олти фарзандим бор, — дейди волейбол йўнаётган 30-35 ёшлардаги (Давоми. Боши 1-бетда).

уё бекаси Малика Эргашева. — Энг кичик фарзандим бир ярим ёшда. Лекин ҳафтада икки мартаба мана шу спорт тўғраги машгулотларига келиб тураман. Чунки, спорт билан шуғулланиш биз аёлларни аввало соғлом, чиройли қоматли бўлишимизга, ўзимизга бўлган ишончинг ортишига, қолаверса, фарзандларимизни ҳам соғлом, бақувват қилиб тарбиялашимизга ёрдам беради.

— Волейбол, баскетбол, теннис йўнаётган турли ёшдаги аёллар 12-Уму маҳалласининг фаол хотин-қизлари, — дейди маслаҳатчи Жумагул Иксовова. — Уларда спортга бўлган қизиқиш ўзаро дўстлик, ҳамжихатликни мустақамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Чирчик аёллари ҳаётида спортнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлиги «Шоҳсанам», «Мираж», «Шарм», «Дельфин» сингари кўпгина спорт клуб-

лари, соғломлаштириш марказлари, ёпиқ сув ҳавзалари билан танишиш асосида ўз исботини топди.

Шунингдек, тадбирнинг иккинчи қисмида республика Хотин-қизлар қўмитаси эксперти, фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухаммедова ўтказган «Раҳбар аёл қўфаси» мавзусидаги суҳбат-тренинг семинарининг энг қизиқарли лавзалари дея эътироф этилди. Унда зомонавий раҳбар аёллар, қолаверса, жамиятнинг ўзига хос томонлари, муомала маданияти, ички ва ташқи гўзаллик ҳақида қизгин баҳс-мунозара бўлиб ўтди.

Семинар ишида республика Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Шохида Аминова иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Эътибор БЕМОРЛАР НЕГА БЕЗОВТА?

Тахририятга Ангрэн шаҳрида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Нухриддин Нидаевдан шикоят мактуби келди. Муаллифининг ёзишича, шаҳар марказий шифохонасининг терапия бўлими ачинарли аҳволда. Ҳусусан, у ерда беморларга бериладиган овқатнинг сифати талаб даражасида эмаслиги, 8 та ҳожатхонадан 6 таси ишламаслиги, хоналардаги санитария ҳолати ёмонлиги, электр мосламалари ишдан чиққанлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар мактубда кўрсатиб ўтилган.

Н. Нидаев тахририятга шикоят хати йўллаган бариберида шу мазмундаги мактубни истевомолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятининг вилоят ҳудудий бирлашмасига ҳам юборган. Жамиятнинг 2007 йил 25 январдаги 8-сонли буйруғига асосан ҳудудий бирлашманинг ижрочи директори Ф. Солиев, жамиятнинг Ангрэн шаҳар кенгаши раиси А. Умаров, шаҳар марказий шифохонаси бош шифокори вазифини вақтинча бажарувчи И. Эгамбердиева, хат муаллифи Н. Нидаев, шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари иштирокида шикоятда кўрсатилган муаммолар ўрганиб чиқилган.

Тахрир шикоятда беморлардан олинган овқат пуллари турли миқдорда, яъни, кимдир 3 минг, яна кимдир 4 минг, баъзилар эса 5 минг сўмгача пул тўлаганлиги, 2006 йил декабрь ойида озиқ-овқат маҳсулотлари тўлиқ олинмаганлиги сабабли овқатлар сифатсиз тайёрланганлиги аниқланган.

хожатхона ҳамда ювиниш хоналари ишламайди. Бўлимдаги 4 та совутичидан 3 таси яроқсиз. Хоналарга кийим илгичлар ўрнатилмаган, йўлаклар ёритилмайдилар. Айрим хоналарда электр розеткалари йўқ. Совуқ кунларда бирорта хона иситилмайди. Беморлар ўзлари олиб келган қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланишадилар. Бўлимдаги санитария ҳолати талабга жавоб бермайди, сувараклар қулашмақоч ўйнаб юради...

Кўриниб турибдики, юқорида санаб ўтилган камчиликлар шифохонада ҳал этилишини кутиб турган муаммолар етарли эканлигини далolat беради.

Ваҳоланки, муассасадаги бундай ҳолат аллақачон бартараф этилиши лозим эди. Сабаби, 2004 йилда бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юрбосқимиз Ангрэн шаҳрида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдаги муаммолар, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳусусида куюниб гапирган эдилар. Орадан шунча вақт ўтса ҳамки, улар ҳал этилмаган.

Вилоятимизда ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бераётган бир пайтда Ангрэндаги бундай ҳолат таажубланарлидир. Чунки, шаҳар ва туманларда ижтимоий объектиларни тубдан янгилаш, уларнинг хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш, бунинг учун давлат томонидан ажратилган маблағлардан ташқари ҳомийлар кўмағига таяниш масалалари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Наҳотки, вилоятнинг йирик саноат шаҳарларидан ҳисобланган Ангрэнда ишбилармон, тадбиркорлар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарини ана шундай хайрли ишларга жалб этиш мумкин бўлмас? Қолаверса, ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида асосий эътибор тиббий муассасалар фаолиятига қаратилганлигини ҳисобга олсак, нафақат марказий шифохона, балки, бошқа шифо масканларида етарлича шарт-шароит яратиш мумкин эди. Бунинг учун эса раҳбарлардан биров эътибор ва ҳақсиз талаб этиларди, холос...

Уйлаймизки, Н. Нидаевнинг шикояти сабаб Ангрэн шаҳар ҳокимлиги ва соҳага мутасадди ташкилотлар бу масалага жиддий эътибор бериб, муаммоларни тезда бартараф этидилар. Тахририят Ангрэндан келган юқоридаги шикоят мактубига орадан биров вақт ўтиб яна қайтади ва унда қўрсатиб ўтилган муаммолар бўйича қилинган амалий ишлар юзасидан тегишли жавобни кутиб қолади.

Хўрматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ

Савдолар залида соат 11.00 да бошланган баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

- 1. 2007 йил 22 март куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига Тошкент вилояти Фуқаролик ишлари бўйича Чирчик туманлараро судининг 2005 йил 22 сентябрдаги "2-639/05-сонли хал қилувчи қарори ва 2007 йил 25 январдаги ажримига асосан, ДАТ "Асака" банки Сирғали филиали томонидан хатланган, Паркент шаҳар, 8-Куличи м.ф.й., Хоккуза кўчаси, 17-уй манзилда жойлашган, бир қаватли, (қурилиш жой участкаси 380.34 м², томорқа ва боғи 1319.66 м²дан иборат бўлган хонадон биноси. Бошланғич баҳоси — 3 681 644,4 сўм.
- 2007 йилнинг 22 март куни сотилмаган мулк 27, 29 март, 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.
- II. 2007 йил 20 март куни соат 11.00да, Тошкент вилояти Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлими 2006 йил 4 октябрдаги 2761-сонли ижро ҳужжати асосан қўйидаги автотранспорт воситаларини аукцион савдоларига қўймоқда: 1. "Дамас" русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 11 P 90 07 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 447 480 сўм.
- 2. "ГБА-ГАЗ 53 А" русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 11 AQ 760 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 916 453,4 сўм.
- 3. "ЗИЛ ММЗ 554М" русумли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган самосвал, техник соз, давлат рақами 11 U 76 51 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 940 775,4 сўм.
- Ушбу автотранспорт воситалари Бекобод шаҳри, "Бекободсавдо" омборхонасида сақланмоқда.
- III. Тошкент вилояти Оқўрғон тумани суд ижрочилари қўйидаги автотранспорт воситаларини аукцион савдосига қўймоқда: 1. Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 31 июлдаги 11-0617/6520-сонли ижро ҳужжати асосан, Оқўрғон тумани, Қонқа ширкат хўжалигида сақланаётган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, яроқсиз, "ЮМЗ" русумли трактор. Бошланғич баҳоси — 600 000 сўм.
- 2. Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 4 сентябрдаги 11-0619/7826-сонли ижро ҳужжати асосан, Оқўрғон шаҳри, ТМШ автогаражида сақланаётган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, яроқсиз, "ЗИЛ-ММЗ-554М" русумли автотранспорт воситаси.
- Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтайтилади.
- Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юрidik ва jisмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 201000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қора Қамиш 2/4-мавзеси, М. Уразбоев кўчаси, 1-а уй.
- Телефонлар: 399-79-52, 133-28-52.
- Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 6 columns: ДУШАНБА 19, СЕШАНБА 20, ЧОРШАНБА 21, ПАЙШАНБА 22, ЖУМА 23, ШАҢБА 24, ЯКШАНБА 25. Each column lists TV programs and their start times for various channels like Ўзбекистон 1TV, ЁШЛАР, and TOШКЕНТ.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси "Respublika Mulk-Auksioni" давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда барча сармоядорларни, бошланғич баҳосининг ошиши тартибиде ўтказилган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

АУКЦИОН савдолари Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар залида ўтказилади. Ер майдонларининг савдоси 2907 йил 20 март куни соат 15.00 да бошланади.

Table with 4 columns: Ер майдонининг жойлашган манзили, Ер майдонининг сони, Бир ер майдонининг сатхи (кв.м.), Бир ер майдонининг бошланғич нархи (сўмда). Rows list various plots and their details for auction.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан тасис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиш лозим.

ЙЎЛДАГИ АЖИБ САВДОЛАР

Хаётда дуч келинадиган оддий воқеалар ҳам кишида аллақандай тасаввур, янги фикрлар уйғотади.

Яқинда бир танишим ёзмада келиб қолди: — Сиз нега бу ҳақда ёзмайсиз? Ахир сиз ёзмайсиз, ким ёздаи?

Ушанда унинг куйиб-пишиганига унчалик эътибор бермаган эдим. Бугун эса... Эмиши, вилоятларга йўловчи ташийдиган айрим кимсалар, арзон нархда манзилига элтиб кўйишга ваъда берган экан-да, сўнг ҳеч зог яшамайдиган чўлу биёбонга етгач, фалон сўм талаб қилишар экан. Кўнмаганларга «ташлаб кетаман» деб дағдаға қилармиш.

Танишим шу каби йўл ташвишлари билан боғлиқ 3-4 та воқеани гапириб берди.

«ЭТИБ ҚОЛГУНЧА ОТИБ ҚОЛ»

Айни қорли кунларнинг бирида пойтахтдаги «Узгар» бекати орқали кўшни вилоятга, уймага бормоқчи бўлдим. (Шу йўл кулайроқ).

Шанба кунлиги сабабми, бекатда йўловчилар кўп, аксига олиб, йўловчи транспорти кам экан. Ўзимча вазиятни ҳисобга олиб, ҳайдовчиларнинг бугунги ҳолатини тасаввур қила бошладим: «Этиб қолгунча отиб қол» қабилида чўнтақларини қаппайтиришга эътибор берди.

Уйлаганимдек бўлди. Ҳайдовчи совуқда юриш

қийинлиги, шундай оғир шароитда ҳам фақат йўловчиларни ўйлабгина келганини важ-қарсон қилиб, энди бу «фидойи»лик ҳар қайсиимизга 1500 сўмдан тушишини кистириб ўтди (бекатга қараб аслида 200 сўмдан 1000 сўмгача эди). Бу ҳам етмагандек, бизлардан ҳам «фидокорлик» талаб қилиб, 16 кишилик ўриндиққа қўйишга қўймай, 18 кишини жойлаштириб олди. «Фидойилик»дан бош тортиш совуқда қолиш демакдир. Шундай бўлгач, бунга ким ҳам эътироз билдирарди.

ЙЎЛОВЧИНИ Ё ЖИНОЯТЧИ?

Вилоят йўналишларида қатнайдиغان айрим ҳайдовчилар ҳафтанинги шанба-якшанба кунлари йўл ҳақини ўзбошимчалик билан кўтариб қўйишади. Дам олиш кунлари кўпчилик талаба-ўқувчилар уйларида қайтишади-да.

Асли ўзи муҳофазатга муҳтож ёшлар ҳисобидан мўмай даромад ишлаш ноинсофлик эмасми? Мутасаддилар қаерга қараяпти? Бу саволга ким жавоб бера олади?

Базван ўзимни ҳам янги-чак тартиб-қоидаларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб тураман. Бир сафар яна бўлди ўша йўналишдаги транспортга чиқганимда, ўрин-

диққа ўтириб улгурмаёк, ҳайдовчининг шахсий чипчачиси кўлимга чипта тутқазди. Ҳайрон бўлганим, дарров вазиятни тушунтирдим:

— Номига қилаяпмиз. Агар йўлда текшириб қолишса, ўз нархида билет олганман дейсан. Тагин қовун тушуриб юрма... Нарх эса бош келишиганимиздек.

Топқирликни қаранг! Энди шу тўришда мен кўр-кўрона тегишувчининг алдайман ва яна муттаҳам ҳайдовчига шерик бўламан. Тавба, мен кимман ўзи, йўловчини ё минглаб даромадини давлатдан яширатган ҳайдовчининг ҳамтовови?

МАЙНАВОЗЧИЛИК ЙЎНАЯПМАНМИ?

Бир сафар муҳим иш билан шаҳар ташқарисига чиқиб келаётган бўлиб қолдим. «Жанубий вокзал»дан пойтахт вилоятининг туман-шаҳарларида йўловчи ташийдиган ҳайдовчининг кўрсатмаси билан унинг микроавтобусига ўтирдим. Яна иккита йўловчи олса бас, жўнаркан. Кўта бошладим. Салон ичи кулай, ўриндиқлар соқ, деразаларга парда тутилган, хуллас кулайлик бор.

Бироқ қувончим узоққа чўзилмади. Ташқарида ҳайдовчилар мен сабаб бахшлашиб қолишди. Мен ўтирган микроавтобусдан олдин турган такси ҳайдовчиси келиб эшикни очди-да, менга ўзининг машинасига ўтиришимни айтди.

— Мен келишиб қўйганман ахир, — дедим хижолат бўлиб. Биринчи ҳай-

довчи эса бўшанглигини кўриб, ташқарида мендан норози бosh қайқаяпти. Аросатда нима қилишимни билмай:

— Мен шунда кетаман, — дедим.

— Сизга нима фарқи бор, ука, тезроқ борасиз! Бўлинг, ўтинг!

Ноилжот машинадан тушдим. Аммо билсам, уч кишилик ўриндиққа тўртинчи қилиб мени жойламоқчи экан. Норози бўлиб, изимга қайтдим. Ҳайдовчи эса ортимдан етиб келди-ю, кўпчилик қилишга ўтди: — Мени калака қилаясан шекилли ука, сенга майнавозчилик ўйнаяпманми?

Нима қилишни билмай қолдим. Бу «нуска»га ҳозир ҳукукнингни пешлайдиган бўлсанг, ғажиб ташлашга ҳам тайёр. Яхшиямки, боғи ҳайдовчи келиб, жонимга оро кирди...

МАДАДКОРЛИК ТАРОЗУСИ

Бугун йўловчи таший билан шўғулланаётганлар аслида хусусий тадбиркор ҳисобланади. Давлат томонидан улар учун етарли имтиёзлар берилмаётган бир вақтда, юқоридagi каби дилхиралликларга дуч келиб, уларнинг «элга қўлаётган хизмати»ни қайси тарози билан ўлчаш мумкин, деган истихолога борасан киши. Азал-азалдан халқимизнинг фазилатлари қаторида бўлган меҳроқибат, инсонийлик, бағрикенглик тушунчаси бундай ҳайдовчилар учун беғонадек гўё.

...Танишимнинг бир қарашда жўн кўринган ҳикоялари кишини ўйланти-

ради. Кўпгина ривожланган мамлакатлардаги турмуш тарзини кузатиб, бир нарсага амин бўлиш мумкин: фаровон ҳаёт кечирилган учун ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига амал қилади, ўз манфаатини мамлакат, халқ манфаати билан уйғунлаштиришга интилади. Биз ҳам бурунги шахсий манфаатларимизни эл манфаати билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилмас эканми, кўп нарса ютқазамиз. Хар биримиз ўз меҳнатимиз, ҳалоллигимиз билан тараққийимиз пойдеворига биттадан фишт қўйишимиз лозим.

Расул ҚУШЕРБЕКОВ, талаба.

Абдулла Қаҳҳор таВаллудининг 100 йиллиги олдиган АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ



Абдулла ака талабчан ва бағри кенг устоз эди. У кишининг бевосита ҳомиийлиги ва раҳнамолигида ўнлаб истеъдодли ёшлар адабиётда муносиб ўринни эгаллади. Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукр Холмиров, Ўткир Ҳошимов сингари халқ ёзувчилари Абдулла Қаҳҳорни фахр ила устоз деб атардилар.

Абдулла Қаҳҳор адабиётимиз посбонларидан эди. Адабий жараёнга фаол аралашар, янги яратилган асарларни эринмай кузатиб борарди. Ўзига қаттиққўл эди, ўзгалардан ҳам шуни талаб қиларди. Адабиётга шахсий манфаат истаб кирган кимсаларни кўрса ёхуд чала-чўлла асар битиб, мақтов кутаётган, ёзувчилик даъвосини қилаётган сийқа қалам

эгаларини учратса, «ёниб» кетар, бор ҳақиқатни айтишдан тоймас эди. Абдулла Қаҳҳорнинг сўзи хамиша тарози босарди, чунки, устоз ҳар қандай вазиётда ҳар қандай амалдорнинг юзига рост гапни айтишдан қайтмас эди. Шунинг учун ҳам Абдулла Қаҳҳор қатнашадиган мажлислар қизгин ўтар, баҳс-мунозараларга сабаб бўларди.

Абдулла Қаҳҳор темирчининг заргар ўғли эди. Ундан мўътабар сўз қолди. Токи ўқувчи қавми бор экан, бу заргар санъаткор битган шоҳ асарлар маънавий озуқа бериб, қалбимизда кўнги-роқдек бонг уриб тураверди. Келинг, бугун сизлар билан биргаликда устозни яна бир қарра эслаб, руҳини шод этайлик.

Абдулла Қаҳҳор

ПОРА (Эртak)

Бир порахўр амалдор амалдан тушиб, галати дардага йўлиқди. Унинг томоғи кундан-кун торайиб бораверди. Қирқ тош теварак-атрофда уни кўриб, дори бермаган доктор қолмади — ичи алтекага айланди кетди; уни боқмаган табиб ҳам қолмади — янтоқнинг гулидан тортиб калтакесакнинг думига-ча қуриб қалпа отди; ўқимаган дуохон, ром очмаган фольбин қолмади — кичик ҳамён бўшаб, катта ҳамёнга қўл кетди. Бўлмади, дард борган сари кучайиб, томоғидан хатто сув ҳам ўтмай, оғзига пахта билан томизилаётган сув бурнидан келаётган бўлиб қолди.

Кун ўтди, ҳафта ўтди, ниҳоят, амалдор шифтга қараб ётганича, бир-икки ияк қокди-ю, жон берди. Берди! Порани пул, мақтов, зиёфат, хушомад, меъбел, ов милтиги, кийик, зоти-ит, ёғоч, бўёқ, тилла соат, этик ва бошқа минг бир шаклда олиб, олавериб, бериш деган сўзни эсимдан чиқариб юборган амалдор, худди берганига ҳайрон бўлгандай, оғзини, кўзларини катта оғанчиқа қолди. Унинг ҳайратдан очик қолган оғиз ва кўзларини ювувчи тахтада юмди.

Тахта, қафан, тобут, гўр... Мурда лаҳадга қўйилиб, гўрга тупроқ тортилаётган вақтда, таломилга кўра кимдир ҳалойиққа юзланиб: — Ҳо-о, яхшилар, марҳум қандоқ одам эди? — деди. Хеч кимдан садо чиқмади. Шунда марҳумдан кўп азият чеккан бир киши: — Порахўр эди! — деб юборди.

— Нима? Пора? Қани пора? — деди.

У киши шошиб, у ёқ-бу ёққа қаради; қараса, беш-олти одим нарида бир кирпи ётибди, югуриб бориб, кирпини олди-ю: — Мана пора! — деб икки кўллаб мурдага тутди.

Мурда кирпини шошиб олди, қалтираган қўллари билан оғзига элтиб, кўпдан бери пора ўтмай, битиб кетган томоғини очиб, каттароқ очиб шунинг кирпини тескари ютди. Фалончи пора деб берсанг, тирик кирпини тескари ютади, деган гап мана шундан қолган.

Саъдулла СИЁЕВ тайёрлади.

ХОРИЖ ХАБАРЛАРИ

Мисрда парранда гриппи вирусини юқтирган яна бир одам қайд этилди. Шу билан касалланганлар сони йигирмадан ошди. Бу ҳақда Миср соғлиқни сақлаш вазири маълум қилди.

Душанба кунини Ал-Фаюм шаҳарчасида яшовчи Нодия Мухаммад Абдулҳафиз хавфли касаллик аломатлари билан маҳаллий шифохонага ётқизилган эди. Кунини кеча у Қоҳирадаги госпиталга кўчирилди. Айни вақтда беморга зарур тиббий ёрдам кўрсатилиб, қариндошлари текширилмоқда.

Мамлакатда ҳозирги кунгача 21 киши вирус юқтирган, уларнинг 12 нафари ҳаётдан кўз юмган. "Майкрософт" корпорациясининг раҳбари Билл Гейтс ва Саудия Арабистони шаҳзодаси Валид бин Талал биргаликда дунёдаги энг нуфузли меҳмонхона компанияларидан бири — Канаданин "Фор сезонс" гуруҳини сотиб олди.

Маълумотларга кўра, бу компаниянинг 31 мамлакатда 74 меҳмонхонаси бор. "Фор сезонс" 3,7 миллиард долларга харид қилинган.

Ён дафтардан қайдлар

- Муҳаббат — дутор, эҳтиёт қилиб тутманг, тоқ ташлайди.
- Юк кўтар, десанг, қушман, дейди, уч, десанг, туйман, дейди.
- Бақиргандан кўра мароми билан қилинган таъна қулоққа яхшироқ киради, зехнга яхшироқ ўрнашади.
- Яхши ёзолмаганингни кечирини мумкин, лекин яхши ёзишни истаганингни кечирини мумкин эмас.
- Ўз бошимни зўрга кўтариб юрибман-у бировнинг бошини айлантиришни менга ким қўйибди.
- Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарфлаш керак эмас.
- Бу киши қулоққа айтилаётган гаплар билан овор.
- Ёлгон йўлдан кўра, ёлгондан қулиш қийин. Ёлгондан йўлдан кишидан кўра, ёлгондан қулган киши шайтонроқ.
- Жаннат роҳатини тиласанг — бола ўстириб кўр.
- У замонда рост ёлгонни кўрса, икки букилиб салом берарди.
- Муштлашгандан бахшлашган ёмон.
- Соғай десанг суги йўқ, Юлай десанг юнги йўқ.
- Қўлига битта ёмғир томса, уч кунгача боғлаб юради.
- Яра тузалгандан кейин латта турмайди.
- Одамларнинг совуқлиги кишининг совуқдан ортиқроқ бўлади.
- Асар қовоқари чаққандай семиз эди.

Саъдулла СИЁЕВ тайёрлади.

Кўргазма

ГЎЗАЛЛИККА ОШУФТА ИЖОДКОР

Тошкент Фотосуратлар уйда Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли расом Владимир Бурмакин асарлари кўргазмаси очилди.

В. Бурмакин Раҳим Аҳмедов, Абдулҳақ Абдуллаев каби моҳир мусаввирлардан тасвирий санъат сирларини ўрганган. Асарлари кўллаб халқро кўргазмаларда намойиш этилган, чет эллардаги музейлар, галереялар, шахсий тўғламлардан ўрин олган.

Ушбу кўргазмада мусаввирнинг "Ой марафон", "Атиргул", "Шер", "Саҳнага чиққан аввал" каби рангасавир йўналишдаги картиналари қатори фото асарлари билан ҳам танишим мумкин.

Назoкaт УСМОНОВА, ЎзА муҳбири.

Қилмиш-қудирмиш

ҚЎЙ ЎҒРИЛАРИ

Кейинги пайтда Келес шаҳри атрофларида қўй ўғриликлари содир бўлаётганлиги ҳақида турли гап-сўзлар тарқала бошлади. Бундан азият чеккан Б. Алиназаров, З. Тошкентбоева,

С. Қорабоев, А. Ҳақимов каби фуқаролар ариза билан туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилишди. Зудлик билан олиб борилган чора-тадбирлар туфайли бу ишларга чек қўйилди.

Кизиги шундаки, бу ўғриликлар куппа-кундузи хонадонлар эшиги олдида содир этилган. Жумладан, ўғрилари туманининг Ф. Умаров номи мавзеси, К. Тўлаганов кўчаси, 23-уйда яшовчи Б. Алиназаровнинг хонадонини олдида бир бош қўйни ўғрилди, пойтахтдаги Ибн Сино бозориди 70 минг сўмга пуллашди. Осонгина топилган «даромад» ўғрилари янада руҳлантириб юборарди. Энди улар янги-янги режалар тузиб, овларини давом эттиришга аҳдлашиб оладилар. Улар кўча-кўйда айланриб юриб, Х. Олимжон кўчаси, 83-уй қаршида ўтлаб юрган қўйни кўриб

росмага тушган ўғрилари: «Шу атрофда ҳожатхона борми?» — дея уни чагитадилар. У уйга кириб кетиши билан қўйни машина юқсонисига жойлаб, ғойиб бўладилар.

Шу ўринда савол туғиларди. Нима сабабдан С. Ислом ва М. Носир ўз жиний режаларини бемалол амалга ошириб келганлар? Асосий сабаб бефарқликдир. Жабранувчилар ўз чорваларини кўнчага ҳайдаб қўйиб, ю юмуши билан машғул бўлишган. Оқибатда қаровисиз қўйлар ўғрилари учун мўмайгина «ўлжа»га айланган.

Халқимизда азалдан «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшингни ўғри тутма» деган мақол юради. Зеро, эътиборсизлик, лоқайдлик шундай хунук оқибатларни келтириб чиқаради.

Уйламай қилинган ҳар қандай қўнғир иш, албатта, жазосиз қолмайди. Жиноятчи С. Ислом ва М. Носирнинг жиний қилмишлари уларни ҳам панжара томон бошлаб борди.

Шерали АНВАРОВ, вилоят Ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг катта инспектори.

Футбол

2008 йили Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ўтадиган навбатдаги ёзи Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун футбол бўйича Осиё мамлакатлари ўртасида ўтказилаётган саралаш мусобақасининг иккинчи босқичида иштирок этадиган терма жамоалар маълум бўлди.

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) қарорига кўра, иккинчи саралаш босқичида 24 жамоа олтига гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро беллашибди. Осиё мамлакатлари олимпия терма жамоаларининг аввалги Олимпиада ўйинлари саралаш босқичида қайд этган натижаларига қараб, ижобий кўрсаткичга эга 14 терма жамоа беллашувларни иккинчи босқичдан бошлаши белгилаб қўйилган эди.

Яна йигирманча терма жамоа эса 7 ва 14 февраль кунлари ташкил этилган биринчи босқичда қатнашиб, икки учрашув натижасига кўра ўз жуфтлигига ғойиб чиққанлари саралаш баҳсларини давом эттириш ҳуқуқини кўлга киритди.

Маълумки, Вадим Абрамов ва Миржало Қосимов мураббийлик қилаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси биринчи босқичда тожикистонлик футболчиларни 4:1 ва 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, иккинчи босқичга йўлланма олди.

Гуруҳ беллашувларида ўтказилаётган навбатдаги босқичда ҳамюртларимиз анча кучли ҳисобланган "Е" гуруҳидан жой олди ва Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амириклари ва Дастанлик босқичда Фаустин жамоасини мағлубиятга учратган Яман олимпия терма жамоалари билан куч синашадиган бўлди.

Иккинчи саралаш босқичининг "А" гуруҳида Покистон олимпия терма жамоаси араб футболчи ва-

киллари — Бахрайни, Кувайт ва Қатар жамоалари билан беллашса, "В" гуруҳида Япония, Малайзия, Сурия ва Сянган футболчилари ўзаро куч синашади.

"С" гуруҳи эса Уммон, Ливан, Вьетнам ҳамда Мальдив ороллари олимпия терма жамоаларидан ташкил топди.

Қитъамизнинг энг кучли терма жамоалари — Эрон, Саудия Арабистони, Иордания ва Осиё футбол конфедерациясининг янги вакили — Австралия футболчилари "D" гуруҳида ўзаро рақобатлашадиган бўлди.

Ниҳоят, Ироқ, Корея Халқ Демократик Республикаси, Таиланд ва Хиндистон "Е" гуруҳидан чиқиб устоз ўзаро беллашадиган бўлди.

Гуруҳ беллашувлари "уй-сафар" тизимида ўтказилиб, жорий йилнинг 28 февралда бошланади ва 6 июнь кунини якунланади. Хар бир гуруҳдан дастлабки икки поғонани эгаллаган терма жамоалар халқ килувчи — учинчи босқичга йўлланма олади.

22 августдан 21 ноябргача ўтказилаётган якуний босқичда 12 терма жамоа уч гуруҳга бўлиниб, "уй-сафар" тизимида ўзаро куч синашади. Гуруҳларда биринчи ўринни кўлга киритган учта терма жамоа Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритади.

Осиё қитъасининг яна бир вакили — Хитой олимпия терма жамоаси эса Ўзи Олимпиада ўйинларининг мезбони сифатида мусобақага тўғридан-тўғри қўшилади.

МДҲДА УЧИНЧИ

Халқро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан Эълон қилинган дунё мамлакатлари терма жамоаларининг янги рейтинг жадвалида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Рауф Инилеев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси янги рўйхатнинг 50-қаторидан жой олди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида Украина ва Россия терма жамоаларидан сўнг учинчи ўриндаги кўрсаткичдир.

Осиё давлатлари ўртасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Эрон, Австралия, Япония ва Жанубий Кореядан сўнг бешинчи ўринда қайд этилган.

Рейтинг жадвалида тўрт ярим йил давомида мунтазам биринчи поғонани эгаллаб турган беш қарра жаҳон чемпиони — Бразилия миллий терма жамоаси ўзининг амалдаги жаҳон чемпиони — Италия миллий терма жамоаси эгаллади.

Шундай қилиб, Италия 13 йилдан сўнг яна биринчи ўринга кўтарилган бўлса, Бразилия иккинчи, Аргентина учинчи поғонада қайд этилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА муҳбири.



Юнусобод туманидаги 122-мактаб томонидан 1997 йилда Нумухамедова Ильмира Исмаиловнага номига берилган О.Р.Е. 038301 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1993 йил 23 июнда Манавеев Юрий Викторович номига берилган 08-01/25966 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1993 йил 23 январда Хайдарова Назира Абдуқадровна номига берилган 02-01/2068 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Оққўрғон туманидаги 2-мактаб томонидан 1995 йил 16 июнда Жапбаров Саёра Базаралиевна номига берилган АО № 015504 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улугбек туманидаги «Барно-Нур» давлат унитар корхонаси (ОКПО 17237114) ТУГАТИЛАДИ.

Давовлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 136-21-78, 136-21-88 рақамли телефонлар орқали қабул қилинади.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилоти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.